

الولاء والبراء

Исломда дўстлик ва душманлик тушунчаси

Шайх Муҳаммад Ҳассон

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтани вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан

кўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглари ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчидир.

Аммо баъд...

Севиқли дўстларим, барчангиз даврамизга хуш келибсиз, қадамингизга ҳасанотлар бўлсин. Аллоҳ таолодан юзларингизни ёруғ қилишини, қалбларингизни очишини ва дилларингизни поклашини, сизу биздан солиҳ амалларни қабул қилишини, барчамизни дунёда Ўзининг тоатида ва охиратда пайғамбарлар саййиди билан бирга Ўзининг жаннатида жамлашини сўрайман. Зотан, У бунга қодирдир.

Бугунги суҳбатимизни «Исломда дўстлик ва душманлик тушунчаси» деб номладик. Одатимизга кўра, уни бир неча моддаларга бўлиб олиб борамиз:

Биринчи: Юракдаги қонли дард.

Иккинчи: Кофирларни дўст тутиш ҳаромлиги ва мўминларни дўст тутиш вожиблигига Қуръон ва Суннатдан далиллар.

Учинчи: Дўстлик ва душманлик тушунчасининг амалий татбиқидан нурли кўринишлар.

Тўртинчи: Душманлик асосига дарз етказмайдиган истиснолар.

Бешинчи: Сустлашмангиз ва ғамгин бўлмангиз.

Суҳбатимизга диққат-эътибор қаратишингизни умид қиламан. Зотан, мавзу, кўриб турганингиздек, ўта муҳим мавзулардан биридир.

Биринчи: Юракдаги қонли дард

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Ислом тонги отиб, атрофга нур тарата бошлаганидан бошлаб то бугунги кунгача у Ислом душманлари тарафидан қаттиқ душманлик қилинишга ва саноксиз ҳужумларга учрашда давом этмоқда. Душманлар исломни ер юзидан супуриб ташлаш ва мусулмонларнинг шавкатини синдириб, янчиб ташлашга иттифоқ қилганчалик бирон ишга иттифоқ қилишмаган!.

Душманлар Ислом динидаги куч-қудратнинг асосий сабаби саҳиҳ-соғлом ақидада мужассам эканини билишгани боис унинг поклигини

булғаш ва софлигига путур етказиш учун, уммат билан холис-соф ақидаси ўртасига ўтиб бўлмас тўсиқлар яшаш учун маккорлик билан қўлларидан келган барча ҳийлаларни ишга солишди ва солишмоқда.

Буни ўзлари ҳам очиқ эълон қилишади. Мисол учун Лорд Кромер (Ивлин Бэринг, 1883-1907 йиллар мобайнида Британиянинг Мисрдаги олий вакили ва Мисрнинг амалдаги ҳокими. тарж) айтади: *«Шак-шубҳалар қўзғолишининг олдини олиш учун Исломнинг сохталаштирилган кўринишларини муҳофаза қилиш зарур, токи мусулмонлар ўзларига нисбатан қилинаётган фириб-найранглардан огоҳ бўлиб қолмасинлар ва исломлари ҳануз яхши ҳолат устида экани ҳақидаги алдамчи хаёллар билан хотиржам бўлиб юраверсинлар, илдизидан сугурилиб ташиланаётган ақидалари ҳимояси йўлида ҳаракатга тушиб қолмасинлар..»*.

Ҳа, азиз дўстлар.. Кечаги кунимизда ақида борасида андак хуруж бўлса, Абу Бакр Сиддик ва Умарнинг унинг ҳимоясига отилиб чиққанини кўришимиз, Холиднинг шердек ўкиригини эшитишимиз, ҳақиқий мўминларнинг ақида йўлида жону молларини қурбон қилишларига гувоҳ бўлишимиз мумкин эди!!

Бугунчи?! Бугун ақида унинг софлигини булғаш, сохталаштириш ва ҳаёт воқелигидан

четлатиш орқали таг-томиридан суғуриб ташланмоқда!

Ақида аксарият унга нисбатланувчилар, бироқ унинг маъносини билмайдиган, унинг тақозосини рўёбга чиқармайдиган ва натижада аччиқ-аламли кўриниш, қизик аралашма ва ачинарли воқеликка тушиб қолган кишилар тарафидан хунук суратда бўғизланмоқда!

Қанчадан-қанча одамлар борки, тавҳид калимасини тиллари билан такрорлашади, бироқ унинг маъносини билишмайди, мазмунини тушунишмайди, талабларини амалга оширишмайди.. Аксинча, жуда кўп турдаги ибодатларни Аллоҳ таолодан бошқаларга қилиб юришади!!

Бугунги кунда қанчадан-қанча одамлар борки, тавҳид калимасини тиллари билан такрорлашади, кейин эса бемалол ўзлари учун Аллоҳнинг манҳажига (дастурига) зид келадиган ҳаёт манҳажини, ерга мансуб ва инсонлар томонидан ишлаб чиқилган қонун-қоидалар мажмуъини ихтиёр қилишади!

Бугунги кунда қанчадан-қанча одамлар борки, тавҳид калимасини тиллари билан такрорлашади, шу вақтнинг ўзида бемалол Аллоҳнинг душманларини дўст тутишда, Унинг дўстларини ёрдамсиз қолдиришда давом этишади!

Бугунги кунда қанчадан-қанча одамлар борки, тавҳид калимасини тиллари билан

такрорлашади. Ваҳоланки, намоз ўқишмайди, закот беришмайди, судхўрлик қилишади, маст қилувчи ичимлик истеъмол қилишади, зино қилишади ва ҳатто, мункарга буюриб, маъруфдан қайтаришади. Шу ҳолда яна ўзларини комил мўмин-мусулмон деб эътиқод қилишади, тавҳид калимасини тиллари билан айтиб қўйишни кифоя санашади.

Юракдаги қонли дард.. Ҳайратомуз қарама-қаршилиқ.. Аламли воқелиқ.

Жуда кўп мусулмонларнинг ҳисларидан тавҳид ақидасининг комил ва саҳиҳ сурати ғойиб бўлганидан ва у билан бирга Ислондаги улкан бир тушунча, яъни дўстлик ва душманлик тушунчаси ҳам унутилганидан юраклар эзилиб, қон силқийди!.

Меъёрлар алмашиб кетди.. Ўлчовлар ўзгариб кетди.. Қалблар айланиб, уларда Аллоҳнинг душманларига муҳаббат ўрнашди, жуда кўп мусулмонлар уларга чин дилдан дўстлик изҳор қиладиган, улар билан дўстлик ва муҳаббат ришталарини маҳкам боғлайдиган бўлиб қолишди, уларни ва уларнинг манҳажларини (ҳаёт дастурларини), мафкураларини, қонунларини зўр бериб ҳимоя қиладиган бўлишди. Ваҳоланки, шу вақтнинг ўзида улар тавҳид ва иймон аҳлига нисбатан бўлаётган адоват ва камситишларга бепарво қарашади, уларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш ҳақида ўйлашмайди ҳам. Шу ҳолда яна

ўзларини Исломнинг ҳимоячилари ва хос кишилари деб эътиқод ҳам қилишади!!

Бизнинг замонимизда одамлар кофирлар билан бўлган муомалада уч қисмга бўлиниб қолдилар.

Биринчи қисм: Аллоҳнинг динига ёрдам берувчи, Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчи кишилар. Улар Аллоҳ азза ва жаллани, Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламни ва мўминларни яхши кўрадилар, ширкни ва мушрикларни ёмон кўрадилар. Улар сонлари оз бўлса-да, Аллоҳнинг ҳузурида ажри кўп кишилардир.

Иккинчи қисм: Гарчи кофирлардан ўзларини узоқ тутсалар-да, Ислом аҳлига ҳам ёрдам бермайдиган кишилар.

Учинчи қисм: Кофирларни дўст тутиш ва уларга сўзда ҳам, амалда ҳам, эътиқодда ҳам ҳамкор ва ҳамфикр бўлиш билан ҳамда яхшилик аҳлини душман тутиб, уларга қарши курашиш билан Исломдан чиққан кишилар.

Иш ўта аҳамиятли бўлганидан ушбу мавзунини узил-кесил ёритиб ва изоҳлаб берадиган кўплаб қуръоний ва набавий далиллар келган. Сухбатимизнинг давоми шу ҳақда бўлади:

Иккинчи: Кофирларни дўст тутиш ҳаромлиги ва мўминларни дўст тутиш вожиблигига Қуръон ва Суннатдан далиллар

Мен ушбу далиллардан баъзиларини келтириш билан чекланаман.

Биринчи далил: Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

«Эй мўминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас» (Моида: 51).

Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу ушбу оятни изоҳлаб: *«Сизлардан бировингиз ўзи сезмаган ҳолда яҳудий ё насроний бўлиб қолишдан ҳазир бўлсин»*, деганлар.

Муфассирлар шайхи Имом Ибн Жарир Табарий раҳимаҳуллоҳ ушбу оят шарҳида айтади: *«Албатта, ким уларни дўст тутса мўминларга қарши уларга ёрдам берса, у одам ўшаларнинг дини ва миллати аҳлидан бўлади»*.

Имом Қуртубий **«Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир»** оятини шарҳларкан, *«Яъни ким мусулмонларга қарши улар билан ҳамкорлик қилса, унинг ҳукми куфр ва жазо борасида уларнинг ҳукмидадир»*, дейди.

Иккинчи далил: Аллоҳ таоло айтади:

«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар. Айтинг: «Аллоҳнинг йўлигина

ҳақиқий йўлдир». Қасамки, агар сизга келган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-хаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам берувчи бўлмайди» (Бақара: 120).

Хушёр бўлинг, азиз биродарим! Сизга бу ҳақда хабар бераётган зот кўзларнинг хиёнатини-да, дилларда яширин фикрларни-да билувчи, бўлиб ўтган, бўлаётган ва энди бўлажак нарсаларни-да билувчи бўлмиш Аллоҳ Роббул олабийндир. **«(Ахир) яратган зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир» (Мулк: 14).**

Ўзингиз кўриб турганингиздек, ушбу ояти карима ҳеч қандай изоҳга ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ-тиник ва қатъий далилдир.

Жуда кўп оятлар ушбу маъно остига дохил бўлади. Жумладан, «Бақара» сурасидаги мана бу оят:

«Аҳли китобларнинг кўпчилиги сизларни, иймонли бўлганингиздан кейин (яъни ҳозир), уларнинг ўзларига ҳам ҳақиқат очик равшан бўлганидан кейин ҳасад қилганлари сабабли куфрга қайтаришни истайди. Бас, Аллоҳнинг фармони келгунича уларни афв қилинг ва кечиринг. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир» (Бақара: 109).

Аллоҳ таолонинг «Оли Имрон» сурасидаги мана бу оятини ҳам бир тафаккур қилиб кўринг:

«Эй мўминлар, ўзларингни қўйиб, (у мунофиқларни) сирдош дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва ёмон ҳолга тушишингизни орзу қиладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир. Агар ақл юргизсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик» (Оли Имрон: 118).

Аллоҳ таолонинг «Оли Имрон» сурасидаги мана бу оятини ҳам бир тафаккур қилиб кўринг:

«Эй мўминлар, агар китоб берилган кимсаларнинг баъзи бир гуруҳларига бўйинсунсангиз, улар сизларни иймонга келганингиздан кейин яна кофирликка қайтарадилар. Аллоҳнинг оятлари сизларга тиловат қилинаётган, Унинг пайғамбари орангизда бўлган бир пайтда қандай қилиб диндан қайтасиз?! Ким Аллоҳга боғланса (яъни Унинг динини маҳкам ушласа) бас, муҳаққакки, тўғри йўлга ҳидоят қилинибди» (Оли Имрон: 100-101).

Учинчи далил: Аллоҳ таолонинг «Анфол» сурасидаги қуйидаги ояти:

«Кофир бўлган кимсалар бир-бирларига ҳамкордирлар. (Бас, эй мўминлар, сизлар

уларни ўзларингизга душман тутингиз). **Агар шундай қилмасанглар** (яъни мўминга дўст, кофирга душман бўлмасанглар), **ерда фитна ва катта фасод бўлур»** (Анфол: 73).

Яъни, агар кофирлардан четлашмасанглар, мушриклардан ажралиб турмасанглар ва мўминларни дўст тутмасанглар, кўпчилик одамларга иш чалкашиб кетиши ва улар ҳақ билан ботилни ажратишда довдирашлари оқибатида ер юзида катта фитна дарвозаси очилади.

Тўртинчи далил: Аллоҳ таолонинг «Оли Имрон» сурасидаги қуйидаги ояти:

«Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Аллоҳга ҳеч нарсада эмас (яъни Аллоҳга бегонадир). **Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз** (юзак муомала қилсангиз жоиздир), **Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур. Ва фақат Аллоҳга қайтажаксиз»** (Оли Имрон: 28).

Ибн Жарир Табарий Аллоҳ таолонинг «Аллоҳга ҳеч нарсада эмас» деган қавли шарҳида айтади: «Яъни, у динидан қайтиши ва куфрга кириши сабабли Аллоҳдан бутунлай узилди, Аллоҳ ҳам ундан бутунлай узилди».

«Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз» оятида айтади: «Яъни, агар мусулмон киши ўз ишига мағлуб ва улардан

заиф бўлиб, уларга адоватини изҳор қилишга қодир бўлмаса ва уларга тили билан розилик сўзини айтиб, дили иймон билан хотиржам бўлса, Раҳмоннинг душманларига нисбатан адовату нафрат билан лиммо-лим бўлса..».

Бешинчи далил: Аллоҳ таолонинг «Мумтаҳина» сурасидаги қуйидаги ояти:

«Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, ҳолбуки улар сизларга келган ҳақ (дин ва Қуръон)га кофир бўлгандирлар!» (Мумтаҳана: 1).

Кофирларни дўст тутиш ҳаромлиги ва мўминларни дўст тутиш вожиблигига Суннатдан далиллар:

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Иймоннинг энг мустаҳкам дастаси – Аллоҳ йўлида дўстлашиш ва Аллоҳ йўлида душманлашиш, Аллоҳ йўлида яхши кўриш ва Аллоҳ йўлида ёмон кўришдир»** (Табароний ва бошқалар ривояти, Саҳиҳул-жомийъис-сағир: №2539).

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда айтилади: **«Ким Аллоҳ учун яхши кўриб, Аллоҳ учун ёмон**

кўрса ва Аллоҳ учун инъом этиб, Аллоҳ учун ман қилса, иймонини комил қилибди» (Абу Довуд (№4681), Аҳмад (3/438) ривоят қилганлар, Саҳиҳул-жомийъ: №5665).

Саҳиҳ ҳадисда Жарир розияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам байъат олаётганларида ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, кўлингизни беринг, сизга байъат бераман, менга ўзингиз шарт қилинг, сиз билувчироқсиз» дедим. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Сен билан Аллоҳга ибодат қилишингга, фарз намозларни адо этишингга, закотни ўташингга, ҳар бир мусулмонга холис насиҳат қилишингга ва ширкдан бутунлай пок-халос бўлишингга байъатлашаман»**, дедилар (Аҳмад ва Насоий ривоятлари, Саҳиҳул-жомийъ: №25).

Дўстлик ва душманлик тушунчаси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ҳиссида очик-равшан эди. Улар бу тушунчани ҳаёт воқелигида тенгсиз ёруғ суратга айлантирдилар.

Суҳбатимизнинг учинчи қисми ана шу ҳақда давом этади.

Учинчи: Дўстлик ва душманлик тушунчасининг амалий татбиқидан нурли кўринишлар

Севиқли дўстларим! Бундай кўринишлар саноксиз кўп бўлса-да, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари дўстлик ва душманлик тушунчасини қай даражада порлок ва нур сочиб турувчи амалий воқеликка айлантирганлари ҳақида сизларда бироз маълумот ҳосил бўлиши учун мен улардан айримларини келтириш билан кифояланаман.

Ушбу кўринишлардан бири Ҳудайбия сулҳи пайтида Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳу томонидан ярқ этиб кўзга ташланган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбияга келиб тушган, Қурайш у зотни Маккага киришдан тўсган ва музокаралар ўтказиш учун ҳузурларига бирин-кетин бир неча элчилар юборган пайт эди. Ўша элчилардан бири Урва ибн Масъуд ас-Сақафий бўлиб, у Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳунинг амакиси эди. Сақиф қабиласи бошлиғи бўлган Урва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сўзлашаркан, орада у зотнинг соқолларига қўлини узата бошлади. (Араблар одатича, тенг-тушлар сўзлашаётиб бир-бирининг соқолини ушлаб қўйиши лутф белгиси бўлиб саналган. Тарж). Муғийра Урванинг қўли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг соқолларига узатилаётганини кўргач, қиличининг қини билан унинг қўлига уриб: «Қиличим қўлингга етиб бормасидан туриб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг соқоларидан кўлингни торт!», деди. Аллоҳу акбар!!

Бу дўст тутишнинг ҳақиқий кўриниши эди.. Бу Аллоҳни, Унинг Расулини ва мўминларни дўст тутишнинг ёрқин кўриниши эди! Бу ширкдан ва мушриклардан безорликнинг ҳақиқий кўриниши эди! **«Кимки Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва мўминларни дўст тутса (нажот топгай), зеро фақат Аллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлувчидир»** (Моида: 56).

Ушбу кўринишни ўз кўзи билан кўрган Урва қавмига қайтиб боргач, уларга шундай хитоб қилганди: «Эй қавмим, қасамки, мен кўп подшоҳлар, шу жумладан Қайсар, Кисро ва Нажоший ҳузурида бўлганман. Аллоҳга қасамки, бирон бир подшоҳни аъёнлари Муҳаммаднинг асҳоби Муҳаммадни улуғланича улуғлаганини кўрмаганман..».

Дўстлик ва душманлик тушунчасининг яна бир ажойиб кўриниши Ибн Жарир Табарий ва бошқалар саҳиҳ санад билан ривоят қилган воқеада кўринади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Абдулоҳ ибн Убайнинг ўғли Абдуллоҳни менга чақиринглар»**, дедилар.

У етиб келгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: **«Отангизнинг гапларига нима дейсиз, эй Абдуллоҳ?»**, дедилар.

«Ота-онам сизга фидо бўлсин, отам нима депти, ё Расулуллоҳ?», деди Абдуллоҳ.

«У: «Қасамки, агар Мадинага қайтсак, албатта азиз-кучлилар хор-кучсизларни ундан қувиб чиқаргай», деяпти экан», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Шунда Абдуллоҳ: «У тўғри айтибди, ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, сиз азизсиз, у эса хордир. Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, сиз Мадинага келганингизда Ясриб аҳли мендан кўра отасига меҳрибонроқ кишини билмасди. Аммо, у шу гапни айтган бўлса, энди албатта сизни хурсанд қиладиган гап қулоғингизга етиб келади», деди.

Лашкар Мадинага етиб келгач, Абдуллоҳ шаҳар эшиги олдида қилич яланғочлаб туриб олди ва отаси келгач, унга: ««Қасамки, агар Мадинага қайтсак, албатта азиз-кучлилар хор-кучсизларни ундан қувиб чиқаргай» деб айтган сиз бўласизми?! Аллоҳга қасамки, иззат-азизлик сизнинг қўлингиздами, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўлларидами, ҳозир яхши билиб оласиз. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ ва Расулининг изнларисиз бу кеча Мадинага бир қадам ҳам босолмайсиз», деди.

Шунда Абдуллоҳ ибн Убай: «Эй Хазраж, ўғлим мени уйимдан тўсмоқда!», деб қичқирди.

Одамлар йиғилиб келиб, унга насиҳат қила бошладилар.

Бирок, Абдуллоҳ қатъий равишда: «Аллоҳга қасамки, у Аллоҳ ва Расулининг изнларисиз ўз уйига асло кира олмагай!», деди.

Шундан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, бу ҳақда хабар бердилар. У зот: **«Бориб, унга: «Расулуллоҳ унга уйига киришига изн бердилар», деб айтинглар»**, дедилар.

Келиб, шу гапни айтишганидан сўнг у: «Модомики, Расулуллоҳдан буйруқ келган экан, ҳўп бўлади. Бу эса ким азиз-у ким хорлигини билиб олсин!», деди».

Мана буни Аллоҳ ва Расулини ҳақиқий дўст тутиш дейилади!

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбари чизган чизикдан чиққан кимсалар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да — дўстлашаётганларини топмассиз»
(Мужода: 22).

Аллоҳу акбар! Ана ўшалар ушбу оят мазмунини тўла рўёбга чиқарган ва уни ер воқелигида ҳаёт манҳажига айлантирган эдилар.

Юксаклик ва гўзаллик жиҳатидан ярқ этиб кўзга ташланувчи яна бир ажойиб кўриниш намунаси:

Бу улуғ саҳоба Абдуллоҳ ибн Ҳузофа ас-Саҳмий билан бўлиб ўтган воқеада кўринади. У румликлар кўлига асир тушиб қолганди. Уни подшоҳлари ҳузурига етказишиб: «Бу одам Муҳаммаднинг асҳобларидан бири», дейишди. Подшоҳ: «Уни ҳузуримга киритинглар!», деб амр этди.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа подшоҳ ҳузурига киритилгач, подшоҳ унга шундай бир битим таклиф этдики, агар бугунги кунда ҳам шунга ўхшаш битим таклиф қилинганида, жуда кўпчилик одамлар нафақат ақидасини, балки ақидасига кўшиб ерини ҳам, ор-номусини ҳам сотиб юборишган бўларди.

Хўш, Рум подшоҳи улуғ саҳобага нима битим таклиф қилди, деб ўйлайсиз?!

У Абдуллоҳ ибн Ҳузофага насроний динига ўтиши эвазига ярим мулкини таклиф қилди!!

Шунда Абдуллоҳ унга: «Агар ҳамма мулкингни ва арабларнинг ҳамма мулкини берсанг ҳам, динимдан бир лаҳзага ҳам воз кечмайман», деб жавоб берди.

«Унда сени ўлдираман», деди подшоҳ.

«Билганингни қил», деди Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анҳу.

Шунда Абдуллоҳ ибн Ҳузофанинг иродасини букиш ва иймонига путур етказиш мақсадида подшоҳнинг амри билан мусулмон асирларидан икки кишини олиб келиб, унинг кўзи олдида қатл қилдилар. Лекин, Парвардигори оламнинг

ёлғиз Ўзидангина кўрқиш билан лиммо-лим қалбларни ер юзининг барча тоғутлари бирлашиб бўлса-да кўрқита олармиди?!

Сўнгра подшоҳ Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоҳу анҳуга яна насронийликни қабул этишни таклиф қилди. У яна бош тортди.

Шундан сўнг подшоҳ уни қозонда қайнаб турган ёғ ичига ташлаб ўлдиришга буюрди. Жаллодлар қозонга яқин келтиришганида у йиғлаб юборди. Подшоҳ уни ўлимдан кўрқиб йиғлади, энди қабул этса керак, деган гумонда ортига қайтаришни буюрди. Кейин ундан нимага йиғлаётганини сўради.

Абдуллоҳ шундай жавоб берди: «Аллоҳга қасамки, мен ўлимдан кўрқиб йиғламадим. Лекин, ҳозир қатл этилишим аниқлигини билгач, Аллоҳнинг йўлида қозонга ташланаётган жоним биттагина бўлганидан, кошқийди танамдаги тукларим сонича жоним бўлса-ю, ҳаммасини Аллоҳ йўлида берсам эди, деб йиғламоқдаман!».

Юксак чўққилар.. Олий намуналар.. Покиза ўрнаклар.. Аллоҳга қасамки, агар душманлар ақида эгалари тарафидан ўзларини олий тутиш ва иззат талабликни кўришганида эди, улар олдига албатта бўйин эгиб, кўрқа-писа келадиган бўлишарди! Лекин, улар Ислом аҳлини ғоят хорлик, заифлик ва хўрлик ҳолатида кўришгани учун ҳам уларни хорлаб, қаттиқ азобларни тоттиришмоқда!..

Шундан сўнг Рум подшоҳи унга: «Бошимни ўпасанми, сени озод қиламан?», деди.

Абдуллоҳ: «Нафақат мени, барча мусулмон асирларини озод қилсанг, майли бошингни ўпаман», деб жавоб берди.

Подшоҳ шунга рози бўлгач, Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоҳу анҳу Рум подшоҳининг бошини ўпди. Подшоҳ ҳам ўз сўзида туриб, барча мусулмон асирларини озод қилди.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа барча асирларни олиб, Мадинага йўл олди. Мўминлар амири Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу уларни кутиб олиб, воқеадан хабардор бўлгач: «Ҳар бир мусулмон кишига Абдуллоҳ ибн Ҳузофанинг бошини ўпиш вожиб бўлибди, мен ўзим биринчи бўлиб ўпаман», деб унинг бошини ўпдилар, у кишининг ортидан барча саҳобалар розияллоҳу анҳум Абдуллоҳнинг бошини ўпдилар (Ибн Асокир «Тарих»ида Байҳақий орқали ривоят қилган, шунингдек Ҳофиз «Ал-исоба»да келтирган ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят келтирган, Ибн Асир «Усудул-ғоба»да (3/212) келтирган).

Азиз биродарим! Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари дўстлик ва душманлик тушунчасини қандай қилиб ҳаёт воқелигига айлантириб юборишгани яна бир неча суҳбатларга мавзу бўлишга арзийди.

Иккинчи хутба:

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аммо баъд...

Тўртинчи: Душманлик асосига дарз етказмайдиган истиснолар

Бу ҳам муҳим бир модда бўлиб, илмий омонат ва инсоф юзасидан бу ҳақда ҳам сўз юритиб кетмоқчиман. Токи айрим биродарлар масалани тушунишда чалкашликларга йўл қўймасинлар, шаръий далилларни ўз ўрнидан бошқа ўринларга ишлатиб қўймасинлар, далилларнинг далолати билан воқеликдаги ҳаракат ўртасини тўғри боғлай олсинлар.

1) Исломга даъват қилишда мулойимликни лозим тутиш

Ислом мусулмонларга одамларни Аллоҳнинг динига даъват қилиш ва уларни яхшиликка йўллашни вожиб қилган. Бу фақат қалбларга

кириб бориш ва уларни мойил қилиш орқалигина амалга ошадиган иш бўлгани учун Ислом кофир ва динсизларни даъват қилишни ҳикмат, чиройли панд-насиҳат ва гўзал шаклдаги мунозаралар орқали қилиш лозимлигини белгилаб берди. Аллоҳ таоло айтади: **«Парвардигорингизнинг йўли — динига донолик ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг! Улар (сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар) билан энг гўзал йўлда мужодала — мунозара қилинг!»** (Наҳл: 125).

Бу Аллоҳ таолонинг: **«Эй пайғамбар, сиз кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга қаттиққўл бўлинг!»** (Таҳрим: 9) оятига қарама-қарши келмайди. Чунки, бу уруш ҳолатига хос, униси эса даъват мақомига хосдир. Бу икки мақомни ажрата билмаслик кўпчилик ёшларни хатога ёки қийналишга тушириб қўйгани сир эмас. Бу иккиси ўртасини яхши ажратиб олмоқ зарур, чунки бу жуда муҳимдир.

2) Аҳли китоблардан уйланиш ё уларнинг таомларини истеъмол қилиш ҳам душманлик асосига путур етказмайди.

Бу ҳақдаги қуръоний далил очиқ-ойдин ва аниқ-тиниқдир, Аллоҳ таоло «Моида» сурасида айтади: **«Бугун сизлар учун барча покиза нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилган**

кимсаларнинг таомлари сизлар учун ҳалолдир ва сизларнинг таомларингиз улар учун ҳалолдир. Қачонки зино қилмай ва яширин ўйнаш тутмай маҳрларини бериб уйлансангиз, сизлар учун мўминалар орасидан ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ва сизлардан илгари Китоб берилган кимсалардан бўлган ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ҳам ҳалолдир. Кимки иймонидан қайтса, унинг қилган амали беҳуда кетиши аниқдир ва у охирада зиён кўрувчилар тоифасидандир» (Моида: 5).

Бешинчи: Сустлашмангиз ва ғамгин бўлмангиз

Шунча фитналар, шунча адоватлар, шунча тил бириктирувларга қарамай Ислом аҳлига айтмоқчиманки, мен Аллоҳ таолонинг: **«Сустлашмангиз ва ғамгин бўлмангиз, агар (ҳақиқий) иймон эгалари бўлсангизлар, сизлар устун бўлувчидирсизлар»** (Оли Имрон: 139) оятидаги ваъдасига аниқ ишонаман. Лекин, бунинг учун унинг шартини, яъни иймонни рўёбга чиқаришимиз зарур бўлади. Иймон бўлмаса, Аллоҳ таоло ҳеч қачон нусрат бермайди, Аллоҳ бизни фақат иймон билангина азиз қилади!

Аллоҳ таоло айтади:

«Иймон келтирган зотларни ғолиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган» (Рум: 47).

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) зотларни (ер юзига) халифа-ҳукмрон қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди» (Нур: 55).

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Бу дин Ислом ҳақида ёзилаётган минглаб китоблар билан ё қилинаётган жарангдор хутбалар ва таъсирчан маърузалар билангина барпо бўлиб қолмайди.

Балки, у кўз билан кўриладиган, қўл билан ушланадиган, асарини ақллар мулоҳаза қила оладиган тирик ва ҳаракатдаги воқеликка барпо бўлади. Бу эса фақатгина Исломни комил ва шомил суратда ўрганадиган ва англайдиган, кейин эса уни ҳаётнинг барча жабҳаларида амалий воқеликка ва ҳаёт манҳажига айлантириб оладиган, фақат шундан кейингина учинчи қадамни кўядиган, яъни, Аллоҳнинг **«Сустлашмангиз ва ғамгин бўлмангиз, агар (ҳақиқий) иймон эгалари бўлсангизлар, сизлар устун бўлувчидирсизлар»** деган ваъдасига ишонган ҳолда Исломга комил ва шомил суратда даъват қиладиган содиқ

мўминлар кўллари билангина амалга ошади, бусиз асло иложи йўқ.

Аллоҳ таоло айтади:

«Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир» (Бақара: 249).

«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра уша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар. Кофир бўлган кимсалар Аллоҳ нопокни покдан (кофирни мўминдан) ажратиши ва нопок кимсаларнинг ҳаммаларини устма-уст тахлаб, жаҳаннамга солиши учун тўпланурлар» (Анфол: 36-37).

«Кимки Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва мўминларни дўст тутса (нажот топгай), зеро фақат Аллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлувчидир» (Моида: 56).

«У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан — гарчи мушриклар истамасаларда — барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир» (Саф: 9).

Сўзимни Имом Бухорий ва Муслимлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадис билан тамомламоқчиман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«То мусулмонлар яҳудларга қарши**

урушмагунларича қиёмат қоим бўлмайди. Шунда мусулмонлар уларни ўлдирадилар. Яҳудлар ҳатто тош ва дарахт ортига яшириниб олишади. Шунда тош ва дарахт: «Эй мусулмон, эй Аллоҳнинг бандаси, ортимда яҳудий бор, кел, уни ўлдир», дейди. Фақат ғарқад (ундай демайди), чунки у яҳудларнинг дарахтларидан» (Бухорий (6/75), Муслим (№2922)).

Бу Аллоҳнинг ваъдасидир. Биз ўткинчи бир даврларда ботил ҳар қанча шиширилмасин ва ҳақиқат аҳли ҳақиқатнинг юзага чиқишига тамомила умидсиз аҳволга тушиб қолган бўлмасин, барибир Аллоҳнинг бу ваъдаси келишига аниқ ишонамиз ва уни мутлақо тасдиқлаймиз. Билингки, охир-оқибат ҳақиқат албатта ғолиб бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«Айтинг: Ҳақиқат (яъни, Ислом) келди ва ботил (яъни, куфр) ўчиб-йўқолди. Чунки ботил йўқолувчи нарсадир» (Исро: 81).**

Эй Парвардигор! Ислом ва мусулмонлар ғалабаси билан кўзларимизни қувонтиргайсан..

Дуо...

17.04.2010.